Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 236 (6. 127) ◉ 1986 йил 14 октябрь, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Совет—Америка учрашувини ёритаётган журналистлар учун 12 октябрь куни Рейкьявикда матбуот конференцияси ўтказди.

М. С. Горбачев оммавий ахборот воситаларининг намояндаларига мурожаат этиб, бундай деди:

Салом, хонимлар ва жаноблар, ўртоқлар. Ҳаммангиз билан саломлашаман.

Бизнинг АҚШ Президенти Рейган жаноблари билан учрашувимиз бир соатча аввал тугалланди. Учрашув биз режалаштиргандан кўра сал кўпроқ давом этди. Иш шуни талаб қилди. Шу боисдан ҳам тайинланган вақтда матбуот конференциясига етиб кела олмаганим учун сизлардан узр сўрайман.

Учрашув совет раҳбарларининг ташаббуси билан ўтказилганини биласизлар. Аммо Рейган жаноблари рози бўлмаганида, табиийки, учрашув ўтказилмаган бўлур эди. Шу сабабли буни мазкур учрашувни ўтказиш ҳақида биргаликдаги қароримиз, деса бўлади.

Энди учрашув тугади. Бир лаҳзада ҳамма гапнинг тагига етиш қийин дейдилар. Мен ҳозиргина учрашувдан келдим, унинг, айниқса, сўнгги босқичи қизғин мунозаралар билан ўтди. Ҳали ҳам мен шу мунозаралар таассуроти остида турибман. Шундай бўлса ҳам, мен ҳозирнинг ўзидаёқ таассуротларим билан ўртоқлашибгина қолмай, нималар бўлганининг мағзини чақишга ҳам интилиб кўраман. Ҳар ҳолда бу дастлабки таассуротлар, дастлабки фикрлар, дастлабки таҳлил бўлади. Ҳали бутун учрашувни обдон назардан ўтказиш лозим.

Катта учрашув бўлди, мен унинг мазмунини, унда жуда кенг миқёсда, жуда интенсив, манфаатдорлик билан муҳокама қилинган муаммоларни айтиб берганимда буни ўзингиз ҳис этасиз.

Учрашувда дўстона муҳит ҳукм сурди. Биз ўз қарашларимизни эркин ва бемалол баён этиш имкониятига эга бўлдик. Бу эса жаҳон сиёсатининг, икки томонлама муносабатларнинг кўпгина йирик проблемалари хусусидаги ва аввало, бутун дунё жамоатчилигининг диққат марказида турган масалалар —уруш ва тинчлик, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш масалалари хусусидаги, хуллас шу мавзу жумласига кирадиган масалаларнинг бутун комплекси хусусидаги бир-биримизнинг фикрларимизни тушуниш доирасини кенгайтиришимизга имкон берди.

Мен учрашувнинг ўзини, мунозараларнинг мазмунини, томонларнинг таклифларини ва учрашувнинг якунларини бевосита таърифлашга ўтишдан аввал биз Рейкьявикдаги учрашувни ўтказиш тўғрисидаги ташаббус билан майдонга чиққанимизнинг боисини сизларга тушунтириб бермоқчиман.

Мен жаҳон матбуотини мунтазам ўқиб бораман ва шу кунларда учрашув ўтказиш тўғрисидаги хабар нақадар кўп фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлганини кўрдим. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва АҚШ Президенти шаънига кўп гап айтилди, улар шошқалоқлик қилишмадими, бундай учрашувга зарурат бормиди, ким кимга ён берди, ким кимни доғда қолдирди ва ҳоказо ва ҳоказо саволлар берилди. Аммо бизнинг АҚШ Президентига дарҳол учрашиш тўғрисида қилган таклифимиз, аввало, қандай мулоҳазаларни кўзда тутганини ва унинг бу таклифга ижобий жавоб бериш ҳақидаги қарори нақадар салмоқли бўлганини биласиз.

Энди мен Женевани, илк бор учрашганимизни эслатиб ўтмоқчиман. У катта мулоқот бўлган эди, орадан анчагина вақт ўтганидан сўнг, ҳозирги пайтда ҳам биз уни —ўша Женева учрашувини худди шундай баҳолаяпмиз.

Эсингизда бўлса, ўшанда биз тинчликни сақлаш учун СССР билан Америка Қўшма Штатларининг алоҳида масъулиятини эътироф қилган эдик ва ҳеч қачон ядро уруши бошланмаслиги керак, бу урушда ғолиблар бўлиши мумкин эмас, деб биргаликда айтган эдик. Бу—жуда катта аҳамиятга молик эътироф эди. Биз томонлардан ҳеч бири ҳарбий устунликка интилмайди, деган гапни ҳам айтган эдик. Бу ҳам жуда муҳим қайд этиш эди.

Женева учрашувидан кейин қарийб бир йил вақт ўтди. Совет раҳбарлари у ерда ўз зиммаларига олган мажбуриятларга содиқ бўлиб келдилар. Биз Женевадан қайтиб келгач, ўз мораторийимиз муддатини узайтирдик: бу мораторийни шу йилнинг 1 январигача эълон қилган эдик. 14 ойдан буён бизнинг полигонларимизда жимлик ҳукм сурмоқда, бу — Женевадаги аҳдномаларга, тинчликнинг тақдири учун бўлган масъулиятимизга содиқлигимизнинг далили эмасми. Шу вақт ичида Невададаги портлашлар давом этганлигини, бу портлашлар ҳозир ҳам давом этаётганини эътиборга олганда, буларнинг ҳаммаси осон қарорлар эмас. 15 январда биз катта Баёнот бердик, унда ядро қуролини шу асрнинг охиригача тугатиш программаси асослаб берилди.

Шу йилнинг июнида Варшава Шартномаси давлатлари Европадаги оддий қурол-яроғларни ва қуролли кучларни кенг миқёсда қисқартириш тўғрисида йирик комплекс программани таклиф этдилар. Бу ҳам Ғарбий европаликлар ва Қўшма Штатлар билдирган ҳавотирликларни эътиборга олган ҳолда қўйилган катта қадам эди.

Биз Чернобиль авариясидан ҳам сабоқлар чиқариб, Венада МАГАТЭнинг фавқулодда сессиясини ўтказиш ташаббуси билан майдонга чиқдик. Бу сессия бўлиб ўтди, унинг якунлари сизларга маълум, бу—умидбахш якунлар бўлди. Энди биз ядро энергетикаси хавфсизлигининг кўпгина энг муҳим масалаларини ҳал этиш имконини берадиган ·халқаро механизмга эгамиз.

Бошқача қилиб айтганда, ўтган даврда биз ядро асрида янги тафаккурни шакллантиришга ёрдам бериш учун ҳамма ишни қилдик, — сиёсатимизни шундай баҳолаганимда муболағага берилаётганим йўқ, деб ўйлайман, чунки мен шунчаки ниятлар ҳақида эмас, балки фактлар ҳақида гапиряпман. Шу янги тафаккур куртаклари, жумладан, Европа заминида ҳам униб ўсаётганини мамнуният билан қайд этамиз. Бу нарса, хусусан, Стокгольм конференциясининг муваффақиятида намоён бўлди.

Эҳтимол, мен Президент Рейган билан Женевада эришилган аҳдноманинг руҳи ва ҳарфига амал қилиб, рўёбга чиқарган конкрет ишларимиз рўйхатини шу билан тугатсам ҳам бўлар эди. Фактларнинг ўзи бизнинг Женевадаги аҳдномаларга муносабатимиз жиддийлигини баҳолашингизга имкон беради, деб ўйлайман.

Хўш, мана шуларга қарамай, яна Рейкьявикда учрашиш нечун зарур бўлиб қолди, шу ташаббус сабаблари нималардан иборат бўлди.

Гап шундаки, дунёдаги вазиятда катта ўзгаришлар бўлиши хусусида ҳаммамиз кутган умидлар Женева учрашувидан кейин тез орада сўна бошлади ва бунинг учун асослар бор эди, деб ўйлайман. Совет—Америка музокаралари чоғида ҳар хил гаплар жуда кўп, эҳтимолки, ҳаддан ташқари кўп айтилган эди, бу музокараларда, кеча мен Президентга айтганимдек, ҳар қандай таклифларнинг 50—100 та варианти ўртага ташланган эди. Мана шунинг ўзиёқ у ердаги музокараларда олиб борилаётган мунозараларнинг самарадорлигига шубҳа туғдиради. Агар бир-иккита, борингки, учта вариант бўлганида эди, мунозара доирасини бирмунча торайтириб, асосий диққат эътиборни бирон-бир муҳим йўналишларни қидиришга қаратиш имконини берган бўлур эди, бунда мазкур изланишлар бирон-бир конкрет битимлар ва ҳукуматларга таклифлар тайёрлаш иложини топиш билан ниҳоясига етади, деб умид қилиш мумкин бўлур эди... Бироқ гарчи Женевада жаҳон сиёсатининг асосий масалалари муҳокама қилинаётган бўлсада, бирон-бир конкрет битим ва таклиф ишлаб чиқилаётгани йўқ.

Кейинги вақтларда бу музокаралар, сирасини айтганда, бекорга олиб борилмоқда, аслида боши берк кўчага кириб қолди. Қуролланиш пойгаси давом этмоқда ва қандай оқибатларга —сиёсий ва ҳарбий оқибатларга олиб боришини олдиндан айтиб бўлмайдиган шу пойганинг янги даврасини бошланиши муқаррар бўлган чегарага яқинлашиб қолинганлиги тобора равшанлашмоқда.

Мен юқорида тилга олган йирик ташаббусларимизни жаҳон жамоатчилиги кенг миқёсда маъқуллаб кутиб олди. Аммо Америка маъмурияти бу ташаббусларни муносиб равишда тушуниб етмади.

Вазият мушкуллашди, дунёдаги ташвиш яна орта бошлади. Жаҳон аҳли туғён урмоқда, десам муболаға бўлмайди, деб ўйлайман, — ўзларингиз ҳам буни кўриб турибсизлар. Жаҳон аҳли туғён урмоқда ва барча мамлакатларнинг, аввало йирик давлатларнинг раҳбарларидан, биринчи галда Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларидан хатарли тенденцияни тўхтата оладиган сиёсий ирода, қатъият кўрсатишни талаб қилмоқда.

Хуллас, воқеаларнинг шу йўлдан боришини ўзгартириш учун нимадир қилиш керак эди. Шу мулоҳазалар билан биз: жараённи лозим бўлган йўналишга буриб юбориш учун янги туртки, қудратли туртки керак, деган хулосага келдик. Бундай омилларни фақат СССР ва Америка Қўшма Штатларининг раҳбарлари топиб беришлари мумкин эди. Айни шу боисдан мен Президент Рейганнинг 25 июлдаги мактубига жавобан уни зудлик билан учрашишга таклиф қилишга қарор бердим. Вазият тақозоси билан биз ҳамма ишларни бир-икки кун тўхтатиб қўйиб, дарҳол учрашув ўтказишимиз керак, деб ёздим.

Бу мактубни Президентга ўртоқ Шеварднадзе топширди.

Мана энди шу фавқулодда муҳим учрашув бўлиб ўтди. Кўп нарса бу учрашув якунларига боғлиқ бўлади, деб ўйлаган эдик. Шу боисдан ҳам учрашувга янги таклифлар билан келдик, албатта.

Хўш, биз Рейкьявикка қандай таклифлар олиб келдик?

Биз **таклифларнинг бутун бир мажмуасини** олиб келган эдик, шу таклифлар қабул қилинганида ҳақиқатан ҳам қисқа муддат ичида, айтишим мумкинки, ядро қуролини чеклаш учун курашнинг ҳамма соҳаларида бурилиш ясаган бўлур эди ва ядро уруши хавфини реал равишда даф қилган, ядросиз дунё сари ҳаракат бошлашга имкон берган бўлур эди.

Мен Президентга, биз шу ердаёқ, Рейкьявикда ўз ташқи ишлар министрларимизга ва бошқа тегишли идораларга **учта битимнинг лойиҳасини** тайёрлаш ҳақида мажбурий топшириқлар берайлик, деб таклиф қилдим. Кейин биз бу битимларни менинг Америка Қўшма Штатларига визитим вақтида имзолашимиз мумкин бўлур эди.

**Биринчиси — стратегик қурол юзасидан** — бу қуролни камида 50 процент қисқартириш тўғрисидаги битим лойиҳаси. Бунда аср охиригача ана шу энг кўп ажал келтирадиган қуролни батамом тугатиш назарда тутилади. Биз жаҳон аҳлининг афкор оммани бир оз муддат тинчлантириб тура оладиган қандайдир арзимас қадамлар қўйишни эмас, балки ҳақиқатан ҳам катта қадамлар қўйишни, қуролларни кўп миқдорда қисқартиришни кутаётганига асосландик. Бутун дунёнинг, шу жумладан, Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари халқларининг манфаатларини кўзлаб, ҳақиқатан ҳам дадил, масъулиятли ҳаракатлар қилиш керак бўлган вақт келди.

Стратегик қурол хусусидаги битим лойиҳасини тайёрлаш топширилиши мумкин бўлган Совет ва Америка делегациялари унинг тарихан таркиб топган структурасини қисқартиришни яхши ва ҳалол мувозанатлаштиришлари лозим бўлур эди. Бунда гап СҚЧ-2 шартномасини ишлаб чиқиш пайтидаёқ тан олинган уч нарса ҳақида бормоқда. Бироқ бу масалани Президент билан муҳокама қила бошлаганимизда, бунга жавобан яна Женева музокараларида рўкач қилинаётган нарсаларнинг ҳаммаси — ҳамма даражалар, кичик даражалар қалаштириб ташланди, хуллас, хилма-хил рақамлар тилга олинди, буларнинг ҳаммаси масаланинг моҳиятини чигаллаштириш учун қилинди. Шундан кейин биз бундай аниқлик киритдик: стратегик ҳужум қуролларининг ҳар бир қисми — Ердаги базаларда жойлаштирилган стратегик ракеталар, сув ости кемаларидаги стратегик ракеталар ва стратегик бомбардимончи самолётларнинг ярмисини қисқартирайлик, дедик.

(Давоми 2, 3-бетларда).

## Замондошимиз



## Ўз касбининг устаси

**Республика кийим Моделлари уйи коллективининг бутун фаолияти замондошларимизни модага мос, бежирим, кўркам кийинтиришга қаратилган. Ҳар йили бу ерда 1450 га яқин устки кийим намуналари яратилади. Истиқболли ва йўналтирувчи моделлар шулар жумласидандир. Шулардан 1200 га яқини республика енгил саноат корхоналарига ялпи ишлаб чиқариш учун жўнатилади.**

**Серияли ишлаб чиқариладиган кийим-бошларнинг нақадар чиройли, бенуқсон тикилиши кўп жиҳатдан намуна моделининг қай даражада пухта тайёрланганига ҳам боғлиқ. Шунинг учун Моделлар уйида меҳнат қилаётган чеварларнинг аксариятини замонавий мода талабларини нозик ҳис этадиган юқори малакали тикувчилар ташкил этади. 1979 йилдан КПСС аъзоси, болалар устки кийимлари тикувчиси Муҳаббат Асқархўжаева ана шулардан бири. М. Асқархўжаеванинг Моделлар уйида меҳнат қилаётганига ўн уч йилдан ошди. У бу ерга Тошкент политехникумини битириб келган эди. Ҳозир ойлик планларини мунтазам 130 — 135 процент бажариш билан бирга кичкинтойлар учун мўлжалланган янги моделлар намуналарини аъло сифат билан тайёрламоқда.**

**— Муҳаббат Асқархўжаева меҳнатсеварлиги, хуштабиатлиги, ёшларга меҳрибонлиги билан ҳақли равишда коллектив ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда. Ўз билимини, тажрибасини ёш тикувчилар билан бажонидил ўртоқлашади, — дейди М. И. Ғойипова. — У ўз касбини шу даражада яхши ўзлаштириб олганки, болалар кийимларининг айрим узелларини яратишда рассом ва конструкторларга қимматли маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам беради.**

**СУРАТДА: М. Асқархўжаева.**

**Т. Каримов фотоси.**

## ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 13 октябрь куни Рейкьявикдан Москвага қайтиб келди.

✦ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Афғонистон Демократик Республикасидан қайтиб келаётган интернационалист жангчиларга табриги эълон қилинган.

«Сизларга, интернационал бурчини муносиб бажарган ва бажараётган барча кишиларга бахт-соадат, янги муваффақиятлар, шонли ютуқлар тилаймиз. Ватан Сиз билан фахрланади. Ватан Сизга миннатдорчилик билдиради. Ватан Сизга ишонади», дейилади жумладан табрикда.



## ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

### „ОҚ ОЛТИН" — ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 13 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| **Фарғона** | 2,25 | 77,33 |
| **Тошкент** | 2,23 | 71,46 |
| Сирдарё | 2,85 | 61,25 |
| ҚҚАССР | 1,70 | 59,39 |
| Наманган | 3,12 | 59,33 |
| Сурхондарё | 2,65 | 58,26 |
| Хоразм | 1,39 | 57,38 |
| Бухоро | 0,77 | 56,51 |
| Жиззах | 2,13 | 46,71 |
| Самарқанд | 1,57 | 44,39 |
| Андижон | 3,52 | 42,58 |
| Навоий | 0,67 | 36,06 |
| Қашқадарё | 1,36 | 34,75 |
| Республика бўйича: | 2,09 | 54,67 |

## 13-ПУШКИН САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1986 ЙИЛ 12 ОКТЯБРДА ЎТКАЗИЛГАН ҚЎШИМЧА САЙЛОВЛАР ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида»ги Қонунининг 57-моддасига биноан 1986 йил 12 октябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Советига ўтказилган сайловларнинг натижалари тўғрисида олинган маълумотларни кўриб чиқди.

13-Пушкин сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига ўтказилган сайловларда 21700 киши ёки сайловчиларнинг 99,9 проценти иштирок этди.

13-Пушкин сайлов округи бўйича ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитетининг биринчи секретари **Николай Иванович Емельянов** депутат этиб сайланди.

**Округ сайлов комиссияси.**

# САВДО ИШИНИ ҚАНДАЙ ЯХШИЛАШ МУМКИН

Акс садо

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БЎЛАЖАК СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бўлажак сессиясида «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида Тошкент аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинади. Шу муносабат билан «Тошкент оқшоми» редакциясига кўплаб ҳамшаҳарларимиздан, меҳнат коллективларидан мактублар келмоқда. Уларда харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазалар, аниқ ва хайрли таклиф-истаклар билдирилмоқда, хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга тегишли турли метод ва усуллар тўғрисида фикр юритилмоқда. Редакцияга келаётган хатларнинг бир қисми Тошкент шаҳар Советининг бўлажак сессияси материалларига қўшиб кўриш учун жўнатилди. Мактубларнинг айримларини эса оқшомхонларнинг эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.**

### Меҳнат коллективи манфаати йўлида

Бизнинг назаримизда ҳали савдо хизматини яхшилаш учун кўпгина ишлар қилиниши керак. Шулардан бири шаҳар аҳолисини сут-қатиқ маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашдир. Айни пайтда бу маҳсулотлар кўпгина магазинларга кечикиб олиб келинади. Илтимос қилардикки, бу борада, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиясида тартиб ўрнатилса. Магазинларга сут-қатиқ маҳсулотлари ўз вақтида келтирилса айни муддао бўларди.

Бу ҳақда гап кетганда Пролетар кўчасидаги 19-ихтисослаштирилган сут магазини тўғрисида гапирмай бўлмайди. Унинг хонаси кичкина. Харидорлар эса айниқса эрталаб гавжумлашади. Бизнингча магазинни кенгайтириш, сут сотишни бошқача ташкил этиш керак.

Кўпгина корхоналарнинг меҳнаткашлари каби бизнинг ишчиларимиз ҳам саноат моллари магазинларига ташриф буюриш имконига эга эмаслар — бунга кўпинча вақт етмайди. Шунинг учун корхоналарда кийим-кечак, пойабзал савдолари уюштиришни кенгайтириш лозим. Шунингдек, моделчилар билан ҳам учрашувлар ўтказилса яхши бўларди. Магазинларда камёб товарларни реализация қилиш соат 18.00 дан кейин амалга оширилса мақсадга мувофиқдир.

Корхоналарга нақд пулсиз-расчёт билан микрокалькуляторлар сотиш масаласининг ҳал этилишини сўраймиз. Бундан ташқари бундай счётларнинг ҳақ тўлаш ва товарларни магазиндан ташиб кетиш муддатларини тартибга солиш лозим. Корхоналар банкка бир ойда икки марта кредит расмийлаштиришади. Магазинда ёзилган счёт эса 3—7 кун кучга эга. Товарни ташиб кетиш муддати эса уч кун.

**«Атомтеплоэлектропроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими коллективи.**

### Озиқ-овқат магазини керак

Савдо системамизда харидорларга хизмат кўрсатишнинг кун сайин яхшиланиб бориши, савдо корхоналари товарлари ассортименти ва сифатининг ошиб бориши, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш юзасидан қилинаётган ғамхўрликни ҳозирги кунда ҳар бир харидор ҳис қилиб турибди. Буни «Оқшом» саҳифасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси Ш. Р. Мирсаидов билан бўлган суҳбат ҳам тасдиқлайди. Бу суҳбатда савдо ишини қандай яхшилаш мумкинлиги юзасидан харидорларнинг таклиф ва мулоҳазаларига қизиқиб жуда тўғри қилинган. Зеро, Тошкентдек азим шаҳарда ҳаракатда бўлган савдо шохобчалари ва нуқталари шунчалар кенгки, шаҳримиздаги савдо мутасаддилари мавжуд имкониятлардан ҳали рационал фойдаланиш борасида бош қотириб улгуришмаётгандек туюлади. Масалан, 2-Қорақамиш массивининг 5-микрорайонидаги «Ташхлебторг»га қарашли 57-магазин иши билан танишсангиз кишида шундай таассурот қолдиради. Магазин асосан нон ва конфетлар билан савдо қилади. Аҳоли бу ерга фақат нон харид қилиш учун киради, холос. Агар магазин олдидан ўтиб қолсангиз, ҳайхотдек магазинда тўрт-беш кишининг нима қилишини билмай ўтирганини кўриб энсангиз қотади. Магазиннинг бу кенг имкониятларини кўриб баъзан ўйланиб қоласан. Наҳотки уни райпишчеторг ихтиёрига ўтказиб, уни озиқ-овқатлар магазини қилишнинг иложи бўлмаса.

**Микрорайон аҳолиси номидан:**

**А. ҲАБИБУЛЛАЕВ,**

**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти илмий ходими, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.**

